



2017 yil 28 . DEKABRЬ № 625

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
22 декабрдаги 1013-сонли қарори тўғрисида**

“Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

“Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПК-2761-сонли қарорига мувофиқ:

норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг матнлари имзоланган санадан эътиборан бир кун мобайнида ва зарур бўлган тақдирда уларга доир ахборот-таҳлилий материаллар (норматив-хуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартиш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали ва бошқалар) уларни қабул қилган органлар томонидан қоғозда ва электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилиши;

норматив-хуқуқий ҳужжатларни ва зарур бўлган тақдирда уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни бошқа давлат органларига ва ташкилотларга юбориш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан уларнинг матнларини улар вазирликка келиб тушган куни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича электрон шаклда йўллаш орқали амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинганлиги;

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга тегишли ахборот-таҳлилий материаллар электрон шаклда юбориладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг рўйхати (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ бази қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги;

Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга тегишли ахборот-таҳлилий материаллар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан хабар берувчи функцияли электрон тизим (кейинги ўринларда электрон тизим деб аталади) орқали юборилиши белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

3. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (А.Пўлатов) Девонхона (М.Ахунжанова) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни электрон тизим орқали қабул қилиб олиш ва келиб тушган куни уларни раҳбарлар ва ходимлар эътиборига, таркибий бўлинмалар, бошқарма, ташкилотлар ва туман (шаҳар) ҳокимликларига электрон шаклда етказилишини таъминласин ҳамда ўз муддатларида ижросини таъминланишини қатъий назоратга олсин.

4. Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати (А.Мадалимов) вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Вилоят компьютерлаштириш маркази” ДУК (Махмудов) вилоят ҳокими томонидан қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз муддатида расмий веб-сайтга жойлаштириб борсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (С.Кўчқоров, Д.Ходжихмедов, И.Носиров, Қ.Имомов, У.Носиров) ўз фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидаги нормаларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга доир, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини юксалтиришга қаратилган зарур тадбирларни амалга оширсинлар.

6. Вилоят Адлия бошқармаси:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон тизим орқали ўз вақтида қабул қилиб олинishi, ўз таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмаларига етказилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширсин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиб олишда ва ижрочиларга етказишда аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга қаратилган таъсирчан чоралар кўрсин;

қонун ҳужжатларининг тарқатилиши, аҳоли ва ижрочиларга уларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилишининг амалий таъсирини мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминлаб, зарурат бўлганда уларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли, 2000 йил 26 майдаги 135-сонли, 2000 йил 5 августдаги

304-сонли, 2005 йил 14 февралдаги 62-сонли, 2009 йил 31 декабрдаги 340-сонли, 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарорлари юзасидан;

шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 июлдаги 183-сонли қарори иловасининг 2-бандида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги “Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарори бўйича вилоят ҳокимининг тегишли қарорлари қабул қилинмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган вилоят ҳокимининг 2014 йил 13 январдаги 11-сонли қарорининг 3-илоvasи 1, 5-бандларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Кўчқоров ва вилоят ҳокимлиги Девонхонаси (М.Ахунжанова) зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев .

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 декабрдаги [ОБ]-сон қарорига
1-илова

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар* матнлари ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга
тегишли ахборот-таҳлилий материаллар электрон шаклда юбориладиган
давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг
РЎЙХАТИ**

1. Марказий муассасалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
3. Ўзбекистон Бадий академияси
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси
6. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти
10. Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
13. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги
15. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази
16. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати
17. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси
18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил
20. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

2. Вазирликлар

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
12. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
14. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
17. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

3. Давлат кўмиталари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси
2. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси
5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси
6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси
7. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси
8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат кўмитаси
9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси
10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси
12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси
13. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси

4. Агентликлар

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги
3. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги
4. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
6. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги

5. Қўмиталар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси

6. Марказлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
3. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар маркази

7. Инспекциялар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
5. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси
6. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
7. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
8. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси

8. Хўжалик бошқаруви органлари

1. “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси
2. “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси
3. “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти
4. “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамияти
5. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти
6. “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти
7. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти
8. “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти
9. “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти
10. “Ўзвиносаноат-холдинг” акциядорлик жамияти
11. “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти
12. “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти
13. “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти
14. “Ўзбекозиковкатхолдинг” холдинг компанияси
15. “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси
16. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси
17. “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси
18. “Ўзбекозиковкатзахира” уюшмаси
19. “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси
20. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси
21. Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси

9. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

10. Жамғармалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хариди учун кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва кишлок хўжалигини техника билан жихозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси
5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси
6. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси

11. Нодавлат нотижорат ташкилотлари

1. Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди
2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ижро аппарати

3. Ўзбекистон Хотин-кизлар кўмитаси
4. Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси
5. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси
6. Фукаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти
7. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди
8. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси
9. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши
10. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши
11. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
12. Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси
13. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси
14. Ўзбекистон Мусулмонлар идораси
15. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг
16. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси
17. “Тараққиёт стратегияси” маркази
18. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик Маркази

12. Бошқа ташкилотлар

1. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси
2. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

**) Давлат сирларини ташкил этувчи ва “Хизматда фойдаланиш учун” грифи остидаги ҳужжатлар бундан мустасно*

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 33-модда) 20-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан улар давлат рўйхатидан ўтказилган кунги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга тегишли ахборот-таҳлилий материаллар электрон шаклда юбориладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг рўйхати бўйича давлат органлари ва ташкилотларга юборилади.

Вазирликлар ва идоралар, ўз ваколатлари доирасида ўзлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар матнлари тарқатилишини таъминлаши шарт.

Вазирликлар ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни (зарур бўлган тақдирда, ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга) улар расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечикмай ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштиришга мажбурдир.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарида мунтазам равишда эълон қилиб борилиши шарт”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) 74-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари (зарур бўлган тақдирда, ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга) мажбурий тартибда белгиланган тартибда расмий эълон қилиш ҳамда ижрочиларга етказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қоғоз ва электрон шаклда юборилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган Асосий талабларда:

а) 1-бандига қуйидаги таҳрирдаги “б¹” кичик банд қўшилсин:

“б¹) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига тааллуқли янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (зарур бўлган тақдирда, ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга);

б) 5-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (зарур бўлган тақдирда ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга) ўзларининг расмий веб-сайтларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечикмай жойлаштиришга мажбурдир”.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 декабрдаги ГЎЎЗсон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 47-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2000 йил 26 майдаги 135-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 5-сон, 30-модда) илованинг 6-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 31 декабрдаги 340-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 12-сон, 83-модда) 6-банди ва қарорга илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-342-сон Қонуни)” 2013 йил 7 декабрдаги 323-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 12-сон, 88-модда) илованинг 3-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва тарқатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иклими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармони)” 2014 йил 8 июлдаги 183-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 68-модда) илованинг 2-банди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги
1013-сонли қарори билан тасдиқланган

Вилоят ҳокимининг
2017 йил 28 декабрдаги
625 - сонли қарорига
4-илова

Вилоят ҳокимининг қарорига киритилаётган

ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган вилоят ҳокимининг 2014 йил 13 январдаги 11-сонли қарорининг 3-илоvasи 1-бандига қуйидаги таҳрирдаги “б¹” кичик банд қўшилсин:

1) “б¹) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига тааллуқли янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (зарур бўлган тақдирда, ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга);

2) 5-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (зарур бўлган тақдирда ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга) ўзларининг расмий веб-сайтларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечикмай жойлаштиришга мажбурдир”